



# САМАРАДОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШ ЙЎЛИ

Республика меҳнат коллективлари партия даъватига амалий иш билан жавоб бермоқдалар



1983 ЙИЛ • ФЕВРАЛЬ • № 2 (107)

МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ ҚАНДАЙ БАЖАРИПСИЗ

## МУҲИМ МЕЗОН

Бутун бир корхона ёки алоҳида ишчи фаолиятга баҳо беришнинг шундай ҳоли мезон борки, уни самарадорлик деб аташди. Самарадорлик — ўта муҳим мезон. У пировард натижани назарда tutади. Самарадорлик — экономикани ривожлантиришнинг асосий талаби. Ҳозир Ю. В. Андронов Москва станокчилари билан учрашувда таъкидлаганидек, самарадорлик — тараққиётнинг бош йўлидир. Бажарётган ишларнинг ва тайёрлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳаммасига имкон борича кам ҳолат ва маблаг сарфлаш лозим.

Ҳа, самарадорлик — тараққиётнинг бош йўли. Ишлаб чиқаришга раҳбарлик услубини такомиллаштириб бораётган партия ташкилотлари меҳнат натижаларига баҳо беришда самарадорликни алоҳида назар-эътиборга олаётганликлари беиз эмас. Бутун кун ва ресурслар, имконият ҳамда резервлар самарадорликни оширишга сафарбар қилинаётган коллективларда юксак натижалар кулга айлантилмоқда.

Республика индустриясининг меҳнаткашлари партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумининг ишлаб чиқариш самарадорлигини бутун чоралар билан ошириш ҳақидаги қўрсатмаларига амалий иш билан жавоб бериш учун курашиб, беш йиллик учинчи йилги дастлабки олинган натижаларига қараганда, самарадорлик январи ойида маҳсулот реализация қилиш плани 101,2 процент адо этилди. Саноатда маҳсулот тайёрлаш ҳамда ўтган йилнинг шу ойига нисбатан 6,5 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги 3,9 процент ортди.

Самарадорликни ошириш билан боғлиқ масалаларни ишчилик назоратида ҳал этиш, интизом талабларига эътиборни асос қилиш, партия, совет, касаба союз, комсомол ва ҳўжалик ташкилотлари план бажарилмаслиги, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари пайсанини сабабларини чуқур таҳлил этишлари, корхоналар ҳўжалик фаолиятини яхшилаб боришда яқиндан амалий ёрдам кўрсатишлари зарур. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, фан-техника ютуқларини жорий қилиш, илгорлар тажрибасини кенг қўллаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, моддий ва меҳнат ресурсларини тежаш асосида корхоналар ишнинг сифат кўрсаткичларини, демак — самарадорликни ошириб бориш чораларини кўриш — муҳим вазифа. Ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш қувватларидан мукамал фойдаланишга эришиш зарур. Шундай корхоналар ҳам борки, уларда ишлаб чиқариш қувватларидан ҳамойнақ фойдаланилмайпти. Бу, Андижондаги Баландчи нотўғина газламалар фабрикаси фаолиятига тааллуқли. Корхонада 2 йил аввал ишга туширилган қувватларнинг ҳозир яримдангина фойдаланилмоқда.

Бутуннинг бош вазифаси — ишлаб чиқаришнинг узлуksuz тараққиёт этиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга эътиборни қўйиштириш зарур. Партия ташкилотлари, планлаштириш ва ҳўжалик органлари ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида план интизомини мустаҳкамлаб боришга, кадрларнинг масъулиятини ошириб боришга даъват этилганлар. Самарадорлик ва иш сифатини яхшилашнинг асосий белгилаб берувчи резервлар дадида ҳаракат келтирилиши лозим. Ишдаги бутунги ушшоқлик — эртанги муваффақиятларимизга муносаб мадад кўрсатаверади.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг шаҳардаги Ахмал Икромов районда очилган янги филиали дастлабки кўнларда ноқ ш сифатини яхшилаш, унинг суръатини тезлаштириш борасида яхши натижаларга эришти. Корхона комбинат филиаллари ўртасидаги социалistik мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Суратда: филиалнинг моҳир ўроғчиси Дялора Ҳолмухамедова.

В. Сироткин фотоси.



## БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИ САДОҚАТ РАМЗИ

Компрессор ишдан чиқди. Зудлик билан ремонт қилиш керак. Аввал деталлар ясаш лозим...

Виктор Некрилов узок ўйлаб ўтирмади. «Кеьса гардишчиларни ёрдамга чақирди. Юрий Парамонов, Николай Борисов, Анатолий Козлов зарур деталларни тайёрлашга киришди. Кечкурун бирлашма бош инженерига кўнгирок қилди».

Компрессор тайёр! Яна бир лава. Ремонт участкасига ёш пайвандчи келди. Бир кун ўтди, икки кун ўтди, ишда барака йўқ... Виктор Иванович йигит анига борди.

— Қани апаратыни ол-чи?... Вой, бўйи, қарамабсан-ку! Шланг-штуцерга қисилиб, газ қўйиб юбораяпти, иш органи кирланиб кетганини кўр... Йигит уялиб кетди. Шу-шу бўди-ю, пайвандчига бошқа эътироз бўлмади. Ҳозир у корхонада илгор пайвандчилардан бири.

Чирчиқдаги «Электрхимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси капитал ремонт участкасининг мастери Виктор Некрилов меҳнат фаолиятдан бундай лахаларини ўнлаб келтириш мумкин. Моҳир мастер корхонанинг қай бир участкасида ремонтлаб машина-механизмлар, ускуна ва қурilmалар қисиб қолса — ўша ерда ҳозир. Корхонанинг қайси участкасида бўлмасин, унинг ўнлаб шогирдларини учратасиз. Махлисларда шайнинг айтилган олқишларини эшитиб, «Ўрмат таъалларда суратини кўрасиз. Буларнинг ҳаммасига у ўзининг ҳалол меҳнати, чуқур масъулияти, ишга бурчга бўлган юксак оғи ва интизом билан эришган. Коммунистик меҳнат зарбдори В. Некрилов айти кўнларда 1984 йил ҳисобига иш бажаряпти.

И. ЗИМИН, корхона спесари, коммунистик меҳнат зарбдори.

## ЮКСАК МАРРА

Халқ ҳўжалиги юкларини ташини, пассажирларга намунали автотранспорт хизмати кўрсатиш ишларини муваффақиятли бажаряётган Ғаждувондаги 33-автокорхона коллективи беш йилликнинг учинчи йилида юксак марраларни кўзлаган. Корхона меҳнаткашлари ўтган йилги 116 та юк автомашинаси, 110 та турли марказдаги автобус, 44 та таъси машиналарини унумли ишлаб, планини барвақт бажарди.

Автокорхонадаги 20 та бригаданинг ҳаммаси пудрат, меҳнатда ишлашга ўтди. Айниқса, Турсун Қосимов, Маҳкам Халилов, Хайри Эгамов бош бўлган юк ташувчи, Бобоим Исқандаров бошлик пассажирлар хизмати, Юрий Горюхин бошлик ремонтчи бригадалар коллективлари меҳнат бешлашувда яхши натижаларга эришмоқда. Корхонада коммунистик меҳнат эҳтишаси юмкин олинган ҳар қандай тобора кенгаймоқда. 1985 йилнинг апрель-май ойлари ҳисобига ишлаётган илгор ҳаддиди Шавкат Рахмонов, Назим Каримов айтомасларини бир неча юз минг километр капитал ремонтси ишлатиб, пландан ташқари 10—15 минг тоннадан халқ ҳўжалиги юкларини ташидилар. Ана шундай жонқурлар меҳнати билан корхонада 7 минг 200 сўмлик ақилга ва мойлаш материаллари, 50 муфт шина ва 9200 сўмлик турли хил эҳтиш кисилар тежаб қолди. Иван Фролов, Исзат Бозоров, Сельдулла Сагатовро каби иxtиरोчи ва рационализаторлар томонидан жорий қилинган тақлифлар 32 минг 400 сўм соф фойда келтирди.

Автотранспортчилар 1983 йилда тежамкорлик ҳисобига 4900 тонна халқ ҳўжалиги юкларини ташиб, 84400 пассажирга хизмат кўрсатишди. Прогулчилик, кенчилик келиш ҳолларига қарши кескин кураш олиб бораётган корхона транспортчилари йилнинг дастлабки ойи топиришини барвақт бажариб, февраль ойи графикада икки кун илгариллаб борапти.

Тоҳир МАҚСУДОВ, ишчи.

«МАРКАЗИЯ КОМИТЕТ ПЛЕНУМИ ПАРТИЯ, СОВЕТ, ҲўЖАЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ВА БОШҚА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ, МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ЭЪТИБОРИНИ ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИ УРТАГА ҚўЙГАН ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА — ИЖТИМОИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИНТЕНСИВЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ ВА ХАЛҚ ҲўЖАЛИГИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВАЗИФАСИНИ РЪЕБГА ЧИҚАРИШГА БУТУН КУЧНИ САРФЛАШГА ҚАРАТАДИ.» (КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қароридан).

Ишлаб чиқариш командирлари минбари

## НУР ИРМОҚЛАРИ

Байроқдор коллективларда

Бутун мамлакатда бўлгани каби корхонамиз ишчилари ҳам ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилини меҳнатда яхши натижалар билан яқунлашди. Аввалги йиллардагидек, бу йил ҳам энергетика объектиларининг қурилишга ажратилган маблагга бирмунча кўпайди. Йил давомида Поп райониди «Анхор», Янгйўғрон райониди «Янгйўғрон», Тўрақўғрон райониди Ленин номида, Наманган райониди «Тегирмон», Чортоқ райониди «Ленин» ва Янгйўғрон райониди «Шўркент», «Пахталикў-И» электр подстанциялари қуриб ишга туширилди. Айниқса, қўшни Қирғизистон ССРдаги Қўртсой ГЭСдан Намангандаги «Централъай» электр подстанциясига келадиган энергия тармоғининг ишга туширилиши Фарғона vodiёсидаги областларини узлуksuz электр энергия билан таъминлашда нати аҳамият касб этди.

Областимиздаги яна бир йилги энергетика объекти — «Қизилравот» электр подстанциясида қурилиш ишлари бошлаб юборилди. 23 та 110—35 киловольт мулкчилик электр подстанцияси қурилишига ҳар хил кўнларнинг электр трансформатори 605 та пунктлари жорий ва капитал ремонтдан чиқарилди. Эришилган яна шундай салмоқли ютуқлар учун корхонамиз ишчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ка-

саба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг қўмақида Қизил байроқ билан таъдилландилар. Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, электростанция ҳамда электротехника саноати ҳодимлари насаба союз республика комитети томонидан «1982 йил илгор район электр тармоқлари» учун ўтказилган социалistik мусобақада Чортоқ ва Задар район электр тармоқлари фойдаланиш талаб қилишти. Бугунги кунда моддий ресурсларни тежаш масаласига «Тежаднинг» ахши, тежамдингми — бу ҳам бўлаверади» қабилида эмас, юксак оғиллик, янгица келар билан қараб пайти назар. Хусусан, кўмир, табиий газ, нефть ва нефть маҳсулотларидан, иссиқлик ҳамда электр энергиясидан оқилона фойдаланиш муҳимдир. Бу — тармоқларини муайян қайта қуришни, даставвал энергия тежамий рағбатлантириш усулларида кенг фойдаланишни, ортқица қаражатларга йўл қўймаслигини таъқоз қилади. Бу финр КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроновнинг партия Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқиди ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Корхонамиз коллективи бу соҳада бирмунча ишларни амалга оширди. Жумладан, ўтган йили тармоқларда зое кетаётган электр энергияси миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар ва рационализаторлик тақлифларини жорий этишдан 3,9 миллион киловатт-соатдан кўпроқ электр энергияси тежаб қолди. Энергетика назорати

таъминоти бўлими томонидан саноат корхоналари, коммунал ҳўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳамкорлигида ишлаб чиқариш технологиясини яхшилаш, энергетика ва технология қурилмаларининг беқорга ишлаб туриш ҳолларини камайтириш ҳисобига область саноат корхоналарида 12,5 миллион киловатт-соат электр энергияси иxtисод қилинди. Ишчи-хизматчи, инженер-техник ҳодимлар маданий-маиший шароитларини яхшилаш соҳасида ҳам иборатли ишлар қилинди. Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида режаларимиз янада улкан. Учинчи йилда қуввати 125 минг киловольт ампер, қурилиши 220 киловольт «Қизилравот» электр подстанцияси ишга туширилди. Поп райониди Ленин номида бирлашма территориясида Беруний номида, «Ғолибар», «Анхор», Наманганда «Юнца», «Шўрбулок», Увдида «Бройлерная» сингари электр подстанциялар қурилади. 400 километрдан ортқи электр узатиш тармоқлари вулудга келди.

Юксак ушшоқлик ва оғил интизом руҳи билан меҳнат қилаётган корхонамиз коллективи область халқ ҳўжалиги тармоқларининг электр энергияси билан узлуksuz таъминлаш йўлида барча имкониятларни ишга солиб, энергетика қувватларини кун сайин ошириб боришга бел боғлаган.

Р. МУСАЕВ, Наманган электр тармоқлари корхонаси директори.

## Мухбиримиз бонг уради

# БИР ХАТО ОҚИБАТИ

ёки тўрт ойлик директор ҳақида

Термиздаги 16-ишч заводи атиги ярим йил муқаддам Сурхондар ёки областдаги ялгор корхоналар қаторида жой олиб келарди. Корхона коллективи ўнинчи беш йилликни яхши кўрсаткичлар билан яқунлади: завод ўтган беш йилдада эришган ютуқлари ва 1980 йилги ажиб натижалари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Республика Министрлар Совети, Усовпроф ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг қўмақида Қизил байроғини кўлга киритишга муваффақ бўлди. Коллектив янги ўн биринчи беш йилликни ҳам яхши бошлади. 1981 йилги планлар барча техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ошириб адо этилди. 1982 йилнинг дастлабки тўрт ойида заводдаги эскирган айрим ускуналарни алмаштириш, янги автомат динияни ишга тушириш, жорий ремонт иш-

лари сингари бир қатор қўшимча тадбирлар амалга оширилганидан, ишчи кучлари ва бошқа меҳнат ресурсларининг бир қисми ана шу тадбирларга сафарбар этилганлиги сабабли ишнинг ёш ишлаб чиқариш плани 94 процент бажарилди.

Шу баҳона бўди-ю, қариниб 40 йилдан бери маъкур заводга раҳбарлик қилиб келаятган, бу соҳада аҳмал Маматов айрим раҳбарларнинг қўлига «олабузи» бўлиб қўрича бошлади. Натижада объектив сабаблар инобатга олинмади. А. Маматовнинг ишдан кетиш учун ариза беришга мажбур қилинди. Унинг ўрнига ҳали етарли иш тажрибасига эга бўлмаган, область маҳаллий саноат бошқармасининг бошлиги Парда Ҳолмавон директор қилиб тайинланди. Ана шу кундан бошлаб завод ўз мақсени

ва шўхратини йўқота бошлади.

П. Ҳолмавоннинг тўрт ойлик директорлик фаолияти даврида корхонада меҳнат интизому бутунлай яздан чиқди. Малакали ишчи кадрларнинг тенг яримдан кўли бўшатиб юборилди. Янгидан ишга қабул қилинганлар орасида қўнимсизлик кучайди, ёш ишчиларга ҳунар ўргатиш, уларнинг малакасини ошириш билан ҳеч қандай шугулланмади. Бунинг устига бюрократларча раҳбарлик услуби аяқ олиб кетди. Шу сабабли ҳозир корхонада ишлаётган ишчиларнинг 45 проценти атиги 2—3 ойлик стажга эга. Бу ерда оғир қўл меҳнатининг салмоғи оғиб, иш ҳақи камайиб кетмоқда.

Оқибатда П. Ҳолмавон директор этиб тайинланган май ойида пишиқ гинт иш-

лаб чиқариш плани — 95, июнь ойида — 80,9, август ойида — 80,2 процент бажарилади, ҳолос. Июль ва сентябрь ойларида эса янги директор ўз айтини яхши-шиқ, камчиликларини ҳаспўшлаб кўрсатиш, планини бажарган бўлиб кўриниш мақсадида иновиш ишга қўл урди. Аслида ишлаб чиқаришмаган 300 минг дона пишиқ гинт ҳисоботларга қўшиб ёзилди.

— Қуриандашу шу заводнинг иштан гинтнинг ишлатилган кўра оддий гинтнинг ишлатганимиз афзал, — дейди қўйиниб 26-қуридан тrestи бошқарувчиси Х. Тошқулов. — Бу корхонада ишлаб чиқарилган «пишиқ» гинтнинг қанча олиб мушт билан урсанга қанчага айланиб, майдаланиб кетаяти. Шунингдек, бу гинтларни машинага орттиш ва тушириш пай-

тида яримдан кўпи майдаланиб, яроқсиз бўлиб қолмоқда... Бундай гинтларни аморатта терганимизда ҳам дастлабки ёмгир ёғиши ёки нам тегиши билан ивнб-оғиб кетмоқда!

Бу гапларда жоқ бор, албатта! Биз заводдаги аҳвол билан ташнаётганимизда Ўзбекистон ССР қурилиш материаллари саноати министрлигини Абдукаримов Келиди қолди.

— Буларнинг ҳаммаси бир хатолик оқибати, — тан олди у. — Термиз шаҳар партия, совет ташкилотлари раҳбарлари, қолверса, область партия комитетидегилар — завод директорини ўзгаришни керак. А. Маматов кеьсайиб қолди, қўп қал бўляпти, унинг ўрнига ёш, ишчан кадр таппанганимиз, деб оёқ тираб туриб

олишти. Биз ҳам бу тақдирга қўна қолдик. Шонима шонларинг теьсар натижа берди. Сўнги тўрт ойида ишлаб чиқариладган маҳсулотларнинг таннарихи 40 минг сўмга қимматлашиб, корхона олиб келаятган фойда 115 минг сўмга камайиб кетди.

— Энди нима қилмоқчи-сизлар?

— Зарарнинг яримдан қайтган ҳам фойда, деган нақл бор, — дейди С. Абдукаримов. — Чўки Парда Ҳолмавон директор бўлиб ишлаган 4 ой мобайлида завод 1,5 миллион дона пишиқ гинтнинг пландагидан кам ишлаб чиқарди. Бу эса корхона бир ой лавомила ишламай беор турди, дегани. Шу боисдан П. Ҳолмавоннинг ишдан утдлай олмаганини учун вазифасидан озод қилиш, завод директори этиб яна Аҳмал Мамавоннинг ўзини тайинлаш ҳақида бир фикрга келдик.

— Ҳўш, бугин неча пулга тушди? Қандай қилиб бундай жиддий хатога йўл қўйилди? — Бу саволларга тегишли раҳбар ўртоқлар жавоб беришлари керак.

Шу ўринда корхона ишчи яхшилашга тўғаноқ бўлаётган бошқа жиддий масалалар ҳақида ҳам айтиб

ўтмаслиги мумкин эмас. Завод иссиқ зонада жойлашганлиги қарамай, министрлик бу корхона ишчиларига минтага ва зоналар бўйича тўланадиган қўшимча ҳақ коэффициентни ҳақилга масалани қанузгача ҳал қилиб бермаган. Ахир, Қарши ва Шарғун заводларининг ишчилари бундай ямтиёлардан фойдаланилган-ку! Бундан ташқари ишчи, инженер-техник ҳодимларнинг қўнимсизлигига асосий сабаблардан яна бири уй-жойни етишмаётганлигидир. Коллективга зарур бўлган 600 квадрат метр уй-жойнинг бирор квадрат метри ҳам кейинги бир йилда завод ишчиларига ажратилмади.

Хулоса қилиб айтганда, завод ишчи тубдан яхшилаш учун Термиз шаҳар партия, совет ташкилотлари, қолверса, Ўзбекистон Қурилиш материаллари саноати министрлиги ююрида кўрсатилган жумбоқларни зудлик билан ҳал этмоқлари, корхона ишчи янги талаблар даражасига қўтариш тадбирларини кўрмоқлари зарур.

А. ХАЛИЛОВ, «Совет Ўзбекистони»нинг Сурхондарё области мухбири.

«Кизгин Дамлар»

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларидан руҳланган «Андижонгидроэлектр» бошқармаси гидроқурувчилари беш йилликнинг учинчи йилини ҳам зарбдор меҳнат йилига айлантиришга бел боғлашган.

Шу кўнларда бошқарма қурувчилари иш олиб бораётган барча объектларда суръат жадал. Тошхор массивида 54 минг бошга мўлжалланган қўчанчилик комплексини Фозилмонда ҳар йили 3 миллион бройлер етиштиришни паррандачилик фабрикасини қуришларида бошқарманинг 1-, 7- ва 3-механизациялашган кўма колониалар коллективлари айниқса, жонбозлик кўрсатмоқдалар. 6-механизациялашган кўма колониа бўёбдорлар Охунбобоев шаҳрида қад қўраётган подлинник заводига ишламоқдалар. Завод Москва давлат лодшипник заводининг йилги филиалларидан бири бўлади.

Коллектив амалга ошираётган бу қўлгу ишларда Ўзбекистон Ленин комсомоли муқофоти лауреати Абдурамон Урмонов бошлик комплекс-ишлар бригадаси барчага ўрн-нот бўляпти. Шунингдек, Ина Красильникова бош бўлган сувоқчи-пардозовчилар бригадаси ҳам мусобақада оғилда бормоқда. Ҳозир коллективнинг меҳнат календариди июнь ойи бошланди.

Р. ФОЗИЛОВА.

ТАШАББУС ИЗИДАН

Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилини муваффақиятли яқунлаган заводимиз коллективи 1983 йилнинг июль ойи топиришини 103 процент бажарилади. Социалistik мусобақада барча цех, участка ва бригада коллективлари фаол қатнашмоқдалар. Дастлабки ой меҳнат бешлашувда Владимир Ким, Виталий Черников ўртоқлар меҳнат бўлган усталар гольб чиқдилар. Эришилган муваффақиятда Қ. Мадрасқимов, У. Пулатов, Н. Жўраев, Д. Ғисеов, А. Исмаилов, М. Муҳаммадов сингари тезкор тоқар, слесарь ва чўки қувоқчиларнинг ҳиссаси баракали бўлди.

Аҳолийнинг кенг истеъмоли бўюларига бўлган эҳтишларини ўрганиш асосида янгида беш йил меҳнат тайёрлашни ўлгаштирди. Ишчи охирига қадар уларнинг соин янада ошди. Тараққиётнинг бош омили — ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириб бориш, иқтисодий самарадорлиги 30 минг сўмлик бешта рационализаторлик тақлифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш тадбирларини белгилаб олди. Айти кўнларда барча ишлар ана шу мажбуриятлар асосида олиб боришмоқда.

Г. ҲОЛМАТОВА, Маргилон чўки-қувоқ заводиди ишчи, коммунистик меҳнат зарбдори.

# АЛМАШЛАБ ЭКИШ-ҲОСИЛ НЕГИЗИ ҲАР ГЕКТАР ЕРДА ТҮЛАРОҚ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Қишлоқ хўжалигида энгилдан ташкил этилган бошқариш орگانларининг асосий вазифаларидан бири — ерга ишлов берилиши аниқ юқори даражада ҳосил олишни таъминлашдан қоллари кўпгина қизилари таърибга тулладилар. Чунинчи, бу ерда ишлаб чиқаришни алмашлаб экиш участкаларини негизлаштириш. Бу таърибда ҳақда область агрономоти бирлашмасининг раис Х. Ш. ШАРОФУДИНОВ ҳикос қилади.

Илмай маълумотлар асосида ишлаб чиқаришни алмашлаб экиш участкаларида ташкил этишга ўтиш деҳқончилик маданиятига муносабатини тубдан ўзгартириб юборди. Албатта, биз алмашлаб экиш тўғрисида илғам ҳам сўз юритган, скарлар тўзган, майдонлар ажратган эдик. Бироқ белгиланган агроусуллар қандай бажарилаётганига қарамай, равишда ҳеч қандай жавоб бермасдик. Албатта, қолхоз раис, совхоз директори ёки бош агрономни ҳисобга олганда, бошқалар ушунчалик қайғурмасдик. Алмашлаб экиш участкаларини майдонлар бригадалар ва бўлимлар фойдаланадиган ерларга тўғри келмай, ерларнинг қиёфасини бузишга олиб келардик.

Областининг бир қатор хўжалиқларида хўжалик ҳисобидида ишловчи, юридик жиҳатдан ишлаб чиқариш бўлимининг статусини олган алмашлаб экиш участкалар ташкил этишга қарор қилинган ўтган йилда бу соҳада ўзгартириш юз берганини кўзга кўридик. Янги системани ишлаб чиқишда агрономоти бирлашмаларининг мутахассислари, партия ходимлари, область партия комитетининг биринчи секретари А. И. Каримов фаол иштирок этидилар. Ер тўғрисида алмашлаб экиш участкаларини майдонлар таъини йўналишларига қараб, янги, қаналар, суғориш шохобчалари, ериқлар, паст-беланд жойлар, ўрмон-

файли бузилган. Бу нарса тупроқ унумдорлигига зарар келтирибгина қолмай, хўжаликнинг озуқа базасига ҳам салбий таъсир ўтказди. Янгида ишлаб чиқилган схема бўйича биринчи йили беда ва маккажўхори экилди, алмашлаб экиладиган майдонлар учун тўғрилик анализ ҳисобга олинган ҳолда қанча минерал ўғит ажратилиши қатъий назорат остида амалга оширидик. Бригадаларни техник воситалар билан таъминлаш ишда ҳам тартиб ўрнатилди. Участкалар таркибиде ягона озуқа этиштирувчи бригадалар ажратиб, уларга тўланадиган меҳнат ҳақи пахтакорларниқига тенглаштирилди.

Беда учун этишмётган олти тала таёрланган, озуқа ва далачилик учун ажратилган ерлар майдони 706 гектарни, пахтачилик учун ажратилган майдон эса 1300 гектарни ташкил қилди. Бу унумдор майдонларнинг умумий салмоғига тўла-тўқис муносабатини ҳисобга олишда маккажўхори экиш участкаларининг ҳисобига пахта ва озун-оват маккулотлари учун берган бюртма-масига мос тушарди. Шунинг қайди эши керакки, ўтган йили «Социализм» қолхози ҳар гектар ерда ўртача 40 центнердан кўпроқ ингичка толали пахта, 200 центнер беда, дон учун 90 центнер маккажўхори, 400 центнер силос этиштирди. 670 тонна сут ва 248 тонна гўшт таёрланди. Жами олинган даромад 8 миллион 684 минг сўмга етди. Бу, 1981 йилдагидан 34 процент кўп.


Кўлга киритилган натижалар таълиқ қилганроқ самара берган алмашлаб экиш майдонларини аниқлаш имконини берди. Ана шундай жойларга қараб 300 гектар пахтазор ва 170 гектар озунча этиштирилган экинзор киритилди. Бу

ҳосил остида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги усулини ўрганиш марказларидан бўлиб қолди. Бу чора деҳқонларга баҳорини яхши кўтиб олишга кўмак берди. Хўжалиқларда ташкил қилинган 595 та алмашлаб экиш участкаларининг ҳаммаси тракторлар, сеяқалар ва бошқа техника воситалари ремонтини тўғриладилар. Ҳозир уларнинг синов тарихисига ҳайдаб кўрмоқдалар. Чигит экиш участкаларининг қўлчилиги ишнинг иккинчи сменда ташкил этилиши мўлжаллаб тузилган. Чунки, янги прогрессив системаларга ўтиш собик бригадаларга хизмат кўрсатувчи экинчилардан бир ярим мингга яқин бошқа ишга ўтказишга имкон берди.

Яна бирор ҳафтадан кейин бизда маккажўхорини оммавий равишда экиш бошланди. Ўтган йили областда маккажўхори экиш участкаларининг умумий саноати ташкил қилинган. Бу ерда 2 минг гектар ернинг ҳар гектаридан ўртача 83 центнердан дон янгиштириб олишди. Экинчида областда яна бешта дончилик-чорвачилик совхозини ташкил қилинган. Маккажўхори этиштиришнинг янги равишда кўпайтириш, уни энг барвақт мудатларда экиб олиш вазифаси турибди. Сабаби маккажўхорининг қанглини жарофини жазирема иссиқ бошланганга қадар тўғалганчи лозим. Бунинг учун тегишлик ва юқори ҳосилли навлар танлаб олинди. Янги маккажўхорилик бригадаларига, шунингдек, алмашлаб экиш участкаларига энг таърибелли мутахассислар юборилди.

Сурхондарё области чигит экишни биринчи бўлиб бошлади. Бу нарса фақат об-ҳаво шартлари билангина эмас, ингичка толали навларнинг вегетация хусусиятлари билан ҳам боғлиқдир. Шундай навлар 80 минг гектардан экиб майдонда ёки жами пахтазор майдонининг яримдан кўпроғида экилади. Биз давлатга ўзининг беш йиллик ҳар йилча этиштирилган ўртача 180 минг тонна

## Адхам РАҲМАТ



Таниқли ўзбек ёзувчиси, СССР Ёзувчилар союзининг А. Фазлеев номи адабий мукофоти лауреати Адхам Раҳмат узоқ давом этган оғир касаллиқдан сўнг 1983 йил 23 февралда вафот этди.

Адхам Раҳмат 1909 йилда Қўноқ шаҳрида туғилди. Болалар уйда тарбияланди. 1926—1927 йилларда Тошкент медицина техникумида ўқиди. Кейин қишлоқ мактабларида ўқитувчи бўлиб ишларди. 1930 йилдан 1941 йилгача «Йилги Фарғона», «Коллективчи», «Колхоз йўли», «Еш Ленинчи», «Правда Востока» газеталари редакцияларида адабий ходим бўлиб, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг Қўноқ бўлимининг секретари бўлиб ишларди. Улуғ Ватан уруши йилларида Адхам Раҳмат ҳарбатдаги адабий саркарларда бўлиб, «Қизил аскарлар ҳақиқати» фронт газетасига редакторлик қилди. Урушдан сўнг «Совет Ўзбекистонини» газетасининг ўз мухбири, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Инструктори бўлиб ишларди. 1952—1954 йилларда М. Горький номи Олий адабий курсларида ўқиди.

Адхам Раҳматнинг адабий фаолияти 1930 йилдан бошланди. 1936 йилда унинг дастлабки шеърлар тўплами — «Бахтли ёшлик» босилиб чиқди. Шундан сўнг унинг болалар учун аталган «Қувноқ кўшиқлари», «Коммунизм тоғи», «Жанговар йиллари», «Бизнинг боғча» ва бошқа китоблари нашрдан чиқди.

Адхам Раҳмат инқилобнинг характерли хусусиятларини доимо янглиқлик қилдириш, меҳнатсеварликдан иборат бўлиб, унинг асарлари совет ватанпарварлиги, юксак гражданлиги ва халқлар ўртасида қардошларча интернационализм ва дўстлик гоҳи билан суғорилган. У Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларини қилдириб топиш ва пропаганда

Ш. Р. Рашидов, О. У. Салимов, Р. Х. Абдуллаев, А. О. Тўраев, С. О. Азимов, Х. Ш. Абдумасов, Зулфия, Т. Қанберганов, С. М. Кароматов, Б. С. Пармўзин, Н. С. Сафаров, А. А. Удалов, Уйғун, У. И. Усмонов, Р. Файзиев, К. Н. Яшин.

## Н. А. ТИХОНОВНИНГ ГРЕЦИЯДА БҮЛИШИ

Расмий визит билан Грецияга борган СССР Министрлар Советининг Раис Н. А. Тихонов 22 февралда А. Папандреу билан учрашди. Ишчанли, дўстона ва зиялида ўтган суҳбатлар чоғида Совет — Греция муносабатларини янада ривожлантириш, икки мамлакатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Иккала томон тинчлик, хавфсизлик ва кескинликни юмшатишни мустақамлашга ердан бериш ниятида эканлиги таъкидланди.

Шу кунги Совет — Греция музокаралари низоисига етди. Н. А. Тихонов билан А. Папандреу музокараларнинг натижаларидан мамун бўлганликларини айтидилар ва СССР билан Греция ўртасида олиқ даражадаги муноқотлар давом эттирилишини ёқлаб гапирдилар. Музокаралар натижасида СССР билан Греция ўртасида иқтисодий, саноат ва илмий-техника ҳамкорлигини ривожлантириш узоқ мудатли программаси имзоланди, бошқа бир қанча битимларни имзолаш тўғрисида ақдлашиб олинди.

Н. А. Тихонов Греция — Совет жамиятининг раҳбарлари билан ҳам учрашди. 23 февралда Греция Республикасининг Президенти К. Караманлис расмий визит билан бу ерда меҳмон

## 23 февраль кунги Тошкентда Ўзбекистон ССР Госкомсельхозтехника системаси ходимлари активининг йилгили бўлиб ўтди.

Йилгилиш қатнашчилари система корхоналари ва ташкилотларининг КПСС Марказий Комитетининг

## ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИГА ПУХТА ТЕХНИКА

1983 йил май ва ноябрь Пленумларининг қарорлари асосида шу йилги планлар ва умуман беш йиллик планларини муваффақият

## БИЗНИНГ ШАРҲ

Демократия «ХИМОЯЧИЛАРИ»

Чехословакияда февраль революциясининг 35 йиллигига

унутильмас кунлар

## МЕҲНАТКАШЛАР СОҒЛИГИ ТҮҒРИСИДА ГАМХҲҮРЛИК—АСОСИЙ ВАЗИФА

23 февраль кунги Тошкентда меҳнаткашлар дам олишини ташкил этишчи республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Партия Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумининг талабларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрқоқ Ю. В. Андропов докладлари қондалар ва хулосалардан келиб чиқувчи вазифаларини ҳал этиш билан бевосита боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этишчи республика комиссиясининг таъини қилинган Навоий областида қандай бажарилаётганини тўғрисида баъридан ҳисобот тингладилар. Ишларнинг ақволи чуқур таҳлил этилди, меҳнаткашлар ҳордигини таъкид этиш остида комиссиясининг шайъига, меҳнаткашлар дам олиш учун яхши шартлар яратиш тўғрисида тегишли гамхўрлик қилмаган, давлат ва касабасоноларнинг шу мақсадлар учун бериб қўйган имкониятлари ва маблағлардан тўла-тўқис фойдаланмаётгани бир қанча саноат корхоналари, қолхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари шайъига жиддий эътирозлар билдирилди.

Ўзбекистон ССР Мелiorация ва сув хўжалиги министри, Энергетика ва электрлаштириш министрининг меҳнат коллективларида санаторий-профилаторийларни ривожлантириш ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Республика энерге-

## КАПИТАЛИЗМ ИЛАТЛАРИ

Домини муаммо

Мексикада меҳнаткаш омининг ақволи кундан-кунга ёмонлашиб бормоқда. Бу ҳақда татто америкапараст савитория ташкилот ҳам ташкилот маълумотларини эълон қилмоқда. Чунинчи, ана шу ташкилотнинг маълумоти қараганда Мексикада тўғри оқоватланмасдан 30 миллион киши азоб чекимоқда. Бу мамлакат ақволисининг қариб ярмига тенг.

Қишлоқ районлари ақволиси ва индустриалар орасида ақволи аниқсиз оғирроқ. Ана шу ақволининг кун кечирини учун оқоват зўр-базўр етади. Болалар орасида ўлим қўйилгани, қатта бешда ақволи ора-сида оғир касалликлар қўйил-ганини ана шу ақволи татто скарди, деб уқтирилди санитор тарих ташкилот тадиқотчилари томонидан берилган маълумотда. Умуман Лотин Америкасида ҳар йили қад-рлик 2 минг бола оқлик ту-файли ҳапоқ бўлмоқда.

## ДИПЛОМАТИЯ НОРМАЛАРИГА ЗИД ФАОЛИЯТ

Панама, (ТАСС). Американинг Панамадаги элчи-хонаси ходимлари ва шаҳсан АҚШ элчиси Э. Бриттсининг халқаро дипломатия нормаларига ва мамлакат қонунларига зид бўлиб тушадиган фаолияти Панама ҳақдаги халқаро гаваблантирди. Панама миллий гардишнинг бош кўмондонини генерал В. Паредесининг мақтубида уқтириб айтилишича, «дипломат» деб аталган мана шу кимсалар нурулли кучлар тўғрисидаги махфий маълумотларни тўлаш билан шуғулланганлар, реэксини доираларни илгор сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгартиришлар жараёнини бар-бод этишга тийж-ийлашганлар.

Халқ вакиллари миллий мажлиси (парламент) баёнот эълон қилиб, икрония ҳоқимиятдан элчи Бриттсини «номатлуб шахс» деб эълон қилишни талаб этди. Унинг хатти-қаранатлари, деб уқтирилади қонун чиқарувчи органнинг баёнотида, дипломатининг статусида зид бўлиб, миллий хавфсизлик ва тахлина солади. У Марказий раёвдада бошқармасининг топируви билан революцион ўзгартиришлар барбод қилишни ва Панама нурулли кучларини тутаташ мақсадини қўзловчи вазифаларини бажариб келган.

АҚШ Панама навали тўғрисидаги шартномаларни бусидамоқда, улардаги прогрессив қондаларни чиқариб ташлашга ҳаранат қилмоқда, деб таъкидлади миллий мажлис. Пентагон Панамада ўз ҳарбий базалари тармоғини негизлантиришда, Марказий Америка мамлакатларига қарши агрессия сиёсатини амалга ошириш учун Панама территориясида плацдарм тузмоқда келтирилган иборат ёзув рема-ларни тузмоқда.

## ЎТКИР ТАНЛИК

Бельгия маориф системаси сўнгги йилларда ўткир танглик билан қамраб олинди. Натимжада болалар похтаи-тада мактаблар ёниб қўйилмоқда, ўқитувчилар қўлаб ишдан бўшатилмоқда. Матбуотнинг хабарига қараганда Брю-

## ДЕМОКРАТИЯ «ХИМОЯЧИЛАРИ»

Ўқ-қорани яхши ажрата оладилар. Афғонистондаги босмачи тўдаларга ким мадад бермоқда? Уша АҚШлик демократия «химоячилари»!

Ливан ва Фаластин халқларининг қонини дарё-дарё қилиб оқишдан Исроил босқинчиларини ким қўлаб-қувватлайди? Уша океан ортидан туриб демократия ва иссон ҳуқуқлари ҳақида жер солаётганлар!

Мана, 10 йилдирки, Чили тўғрисида бешоқил қилётган Пиночет фашист галларининг найзасига таъйиб бузғунчилик қилмоқдалар!

Яна уша демократия тўғрисида мададчилик қилётганлар! Ўша босқинчиликнинг қонини дарё-дарё қилиб оқишдан Исроил босқинчиларини ким қўлаб-қувватлайди? Уша океан ортидан туриб демократия ва иссон ҳуқуқлари ҳақида жер солаётганлар!

Янгида Вашингтонда катта шов-шув билан «демократия ва оммавий дипломатия программаси» эълон қилинди. Сиёсий ва дипломатик наяр-рангбузининг одат қилиб олган Оқ уйнинг бу галги программаси нима! — дерсиз.

«Демократияни химоэ қилиш» баҳосини билан АҚШ бу гал энда ривожланмаётган давлатларнинг ички ишларига янада очирок, янада кенг-роқ аралашмоқчи. Ана шу мақсадда президент ердამчи си раҳбарлигида махсус координаторлар марказ тузилди. Кўпурчилик ишларининг аниқ йўналишлари ва методлари белгилаб олинди. Оснб, Африка ва Лотин Америкасидаги қатор мамлакатларни Америка сиёсатига тортиш ва уларни АҚШга мақкул қонун-қондалар билан яшашга мажбур этиш эълон қилинган программанин асосий моқиятин ташкил қилди.

Умуман, АҚШ раҳбар доираларининг буғунги фаолияти «ўрнинг ушан» деб ўзи қочиб қароқчин эстапада. Бу гал ҳам худди шундай бўлиди. Демократиянинг ва халқро ҳуқуқининг эг оқиди нормаларини ҳам оёқ ости қилганлар «демократия ва оммавий дипломатия программасини» эълон қилмоқдалар. Андишасининг ҳам эви билан-да! Демократияни отган, ослан, қонга бузганлар, уми тақдирлаган ва ҳарорат қилганлар демократия ҳақида жер солсалар!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми қарорлари — ҳаётга!



Самарқанд области МАҲСУЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ ҲИСОБИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми қарориди белгиланган улкан тадбирларини амалга ошириш учун курашаётган область чорвадорлари гўшт, сўт, тухум ва бошқа хил маҳсулотларини кескин кўпайтиришни аниқ режаларини конкрет тарзда белгилаб олдилар, бутун куч, техника воситалари, ички имкониятларини белгиланган тадбирларини тўла-қўлига амалга оширишга сафарбар этмоқдалар.

Масалан, 1983 йилда ҳар беш сизгирдан 2400 килограммдан сўт соғиб олинди. Бу рақам 1984 йилда 2700 килограммга, 1985 йилда бориб 2900 килограммга ташкил этади. Шу маънада сизгирларнинг зоти яхшиланиди, икки қўнига икки борича кўпроқ бардан берилди. Ургочи чорва молларининг деярли ҳаммаси ўстириш учун сайлаб қўлинди.

ИЛМ-ФАНГА АСОСЛАНИБ

24 февраль кўни Тошкентда очилган илмий-амалий конференция «Озиқ-овاق программасини амалга оширишнинг ақтуал масалаларини мазҳумга бағишланди. Конференциянинг «Билим» жамияти прелериесиде, республика Қишлоқ хўжалиги ҳамда Мева ва сабзавот хўжалиги министрликлари, ВАСХНИЛ Урта Осиё бўлими ўтказмоқда.

«ДИЁНАТ» — ЛИТВА ТИЛИДА

«Улуғбек хаёласи», «Диёнат» романининг яратилгани таниқли адиб Одил Ёқубовнинг ижодидагина эмас, адабий ҳаётимизда ҳам қувончли воқеа бўлган эди. Бугунги кунда бу асарлар Иттифоқ китобхоналарининг мушукта айланган. Маълумки, «Диёнат» романи учун адиб СССР Ёзувчилар союзининг йиллик мукофотиغا сазовор бўлди ва қисқа вақт ичида асар рус тилида бир неча бор қайта нашр қилинди.

АРМУҒОН

Таниқли шоир Жуманиёз Жааборовнинг ёнқ шеърлари Иттифоқ шеърхоналари қабилдан ҳам муштаҳам жой олган. Шоир аjoyиб асарларида боёбён Ватанимизни, бунёдкор замондошларимизни улуғлайди, у нозиктаб шеърхоналари билан ҳар биримизнинг қисматииз Ватан қисматига муштараклиги хусусида мувоҳаса юртиради.

«СЕНИНГ БОЛАЛИК ОСМОНИНГ»

Истеъдодли ёш ёзувчи Нурали Қобул асарлари Иттифоқ китобхоналарида ҳам натта қизиқинч уйғотмоқда. Унинг қатор ҳикоя ва қиссалари «Юность» журналин саҳифаларида эълон қилинди.

НОННИ ҚАДРЛАНГ

Мен нонга муносабат масаласининг бир жиғидига тўхталмоқчиман. Эътибор берган бўлсангиз, нон истеҳсоқчилигида адибнинг ёнқ болалар йўли қўйилди. Кўча-кўйи, боғчаларда, мейтаб парталарида баъзан нон бурдалари қолдириб кетилди. Хўш, нега шундай ҳол содиб бўлмоқда? Бунга қатталар нега йўл қўйилмоқда? Ҳамма гап шундаки, тарбиячи ва педагоглар бундай ҳолларга қўпичча беарвоқ бўлишпти.

Ахборот

ЎЗБЕКИСТОНГА САЕХАТГА БОРАДИЛАР Москва шаҳар туризм ва эҳсоқсия совети ишлаб чиққан янғи маршрутда — бу йил Москва области ва Москва шаҳри тоғ қанғиси қавасқорлари «Чимёнда йўл оладилар Улар бу ерда Тянь-Шань тоғининг бойлиқлари, усимлиги, ҳайвонот дунёси билан танишадилар. Шундан кейин Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар.

Спорт

СУЗИШ: СУВ БАҒРИДА — РЕКОРДЛАР Москвада ўтказилган СССР қишки чемпионати аяқланди. Республикаимиз сузувчилари мовий йўқларда муваффақиятли кўч синишиб, тўққиз марта Ўзбекистон рекордини яғилладилар. Жумладан, тошкентлик Сергей Зоболотнов 200 метрга қалқанча сузишда маррага иккинчи бўлиб келган эди. У юз метрга шу усулда сузиб, 56,88 секунд сарфлади. Бу Ўзбекистоннинг янғи рекордидир. Шундай қилиб, Сергей чемпионатнинг икки марта қумуш медални совриндор бўлди. Сузувчиларимиз етти коллектива орасида ўз гуруппаларида команда ҳисобида пешқадамлик қилишди.

ОЛИЙ ЛИГАДА ҚОЛДИ

Эркеклар олий лига команделари ўртасида 7—12 ўринлар учун аяқуновчи баҳслар Бухорода ўтказилмоқда. Тошкентнинг «Университет» командаси дастлабки учрашувини Киев армиячилари билан ўтказиб (99:97), жами оқоларини 40 тага етказди. Бу билан баскетболчиларимиз янғи масъула яна олий лигачилар сафида ўйнаш имкониятига эга бўлдилар.

ПАХТАКОРЧИЛАР ХОТИРАСИ

«Пахтакор» командаси хотира-соврини учун ўтказилган баҳорги турник мухлиларда яхши таассурот қолдирмоқда. 15 команда уч гуруппа бўлишиб, ўзаро кўч синишмоқда. Учинчи тур ўйинларида қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Автомобилист» (Термиз) — «Хива» — 3:0, «Диёнат» (Самарқанд) — «Ешлик» (Тўрақўрғон) — 1:2, «Аму-дарё» — «Наринқовоқ» — 1:2, «Нефтчилик» (Фарғона) — «Хисор» (Шахрисабз) — 5:0, «Беҳетлик» — «Шахрисабз» — 1:2, «Навбахор» (Наманган) — «Соҳибкор» (Халқобод) — 0:0. Ҳозир биринчи ва иккинчи гуруппада «Ешлик» ва «Нефтчилик» коллективлари олдинда боришмоқда. Учинчи гуруппада 5 тедан очко тўплаган «Соҳибкор» ҳамда «Навбахор» команделари пешқадамлик қилишмоқда.

Театр

ҲАМЗА НОМИН ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИЯ ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/II да Руб, 26/II да Арзасига кўра. Ҳинмат УСМОҲОВНИНГ вафот этганидан муносабати билан чумур таъзия билдирадилар. Тошкент давлат консерваториясининг коллективини пуфлаб чалинадиган асбоблар нафрасининг лотенти Нарин Азимович АЗИМОВНИНГ вафот этганидан чумур нағу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия издор қилади.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Аралаш ҳайвонлар гуруппаси» аттракционининг гастроллари (19.30).

МАҚОМ ИВРОЧИЛАРИ 1 Республика конкурси лауреатларининг концерти. 21.30 — Врема. 22.05 — Истиқбол йўли. Вадий фильм. 18.00 — Тошкентини телевиденисининг программаси

РАДИО БУГУН БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Классик кўшиқлардан концерт. 9.30 — Совет Ўзбекистонини одамлар ишлар ва режалари. 11.15 — Ал Хоразмийнинг муносивий маросини яғиллаб. 12.10 — Ўзбекистан йилдустриялийини. 13.00 — Чорлар. 14.00 — Табарру ваъна. 19.25 — Ешлик. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашларининг таъабларига буювас концерт. 22.30 — Т. Малик. «Сўмас жолдуз». Радиоёвас.

БИЗНИНГ АДРЕС 700000, Тошкент-П. Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР Катталар ва оламани ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

Р. 01822. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ орденига бошқоҳмаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64853. Б. — 46. 10